

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2023 йил июнь ойининг 9 куни, жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг сайёр суд мажлиси, Чортоқ туман “А.Навоий” МФЙ биносидида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси И.Жаббаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Саримсаков котиблигида, давлат айбловчиси Чортоқ туман прокурори М.Абдуллаев, судланувчи Н.Абдурахимовнинг иштирокида, Абдурахимов Нодирбек Махаммадовичга нисбатан 1-1610-2301/106-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш хужжатларига кўра:

Абдурахимов Нодирбек Махаммадович - 1983 йил 2 июнда Чортоқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали 3 нафар фарзанди бор, муқаддам;

1) жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2011 йил 27 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми “а” банди ва 25,188-моддаси 3-қисм “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 3 йил муддатга савдо ва воситачилик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 18.304.000 сўм жарима ҳамда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2012 йил 21 июлдаги ажримига кўра, тўланмаган жарима жазоси ЖКнинг 44-моддасига асосан 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

2) жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман судининг 2013 йил 11 майдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 28,182-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 1 йил 6 ой 5 кун савдо ва воситачилик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазоларни тўлиқ ўтаган, “Жўшқин” хусусий корхонаси раҳбари, Чортоқ тумани, “Тўпқайрағоч” МФЙ, Санъат кўчаси, 39-уйда яшайди, иш бўйича 2023 йил 28 мартда муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 5 апрелда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни



## А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Н.Абдурахимов, 2022 йилнинг январь ойида А.Нурматов билан учрашиб, Қирғизистон Республикасида жойлашган Ош давлат университетида таълим олаётган фарзанди А.Азаматовни ўқишини Тошкент шаҳрида яшовчи танишлари орқали Ўзбекистон Республикасида жойлашган “тиббиёт йўналишида”ги олий таълим муассасаларидан бирига ўқишни кўчириб беришлигини айтиб, унинг алдаб, ишончига кириб, пора беришга далолат қилиб, 28.090.525 сўмга тенг бўлган 2500 АҚШ доллари ҳамда 2022 йил март ойида 6.551.208 сўмга тенг бўлган 600 АҚШ доллари жами 33.641.733 сўм миқдоридagi пулларни қўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Судланувчи Н.Абдурахимов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлиги, А.Нурматов билан бир неча йиллардан бери танишлиги, А.Нурматовни фарзанди уни фарзанди билан Қирғизистон Республикасида бирга тахсил олиши, 2022 май ойида А.Нурматов унга фарзандини Қирғизистон Республикасидаги ўқишини Ўзбекистонда жойлашган олийгоҳларга кўчириши кераклигини айтгани, унга таниши борлигини, ўқишини кўчиртириб бериши мумкинлигини, буни 2.500 АҚШ долларига амалга ошириш мумкинлигини айтгани, А.Нурматов уни таклифини қабул қилиб, 2022 йилнинг январь ойи ўрталарида 2.500 АҚШ доллари бергани, шундан сўнг кўчириш ишлари қўшимча ҳаражат талаб қилаётганини айтиб, 2022 йилнинг март ойи охирида яна 600 АҚШ доллари олгани, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжи учун сарфлаб юборгани, лекин бу ҳақида А.Нурматовга айтмагани, А.Нурматов пул берганидан сўнг бир неча бор ўқишни кўчириш амалга ошмаётганини айтиб, пулларни қайтариб беришни сўрагани, лекин унга пуларни топиб беролмагани, орадан бир неча кун ўтганидан сўнг А.Нурматов уни ҳаракатидан норози бўлиб мурожаат қилганидан сўнг 100 АҚШ долларини ҳолислар иштирокида қайтариб бергани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб енгиллик беришни сўради.

Гарчанд судланувчи Н.Абдурахимов, ўзининг суд мажлисидаги кўрсатувида айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, тегишли кўрсатув берган бўлса-да, уни жиноят содир этганликдаги айби, қуйидаги далиллар билан ҳам ўз тасдиғини топган. Жумладан;

гувоҳ А.Нурматовни суд мажлисидаги, фарзанди А.Азаматов Қирғизистон Республикасининг Ош вилоятида жойлашган тиббиёт институтида таълим олиб келиб, 2022 йил сентябр ойидан қўшимча контракт асосида Андижон давлат тиббиёт институтига ўқишини кўчириб ўтказгани ва ҳозирда таълим олиб келаётгани, ўғлини ўқишини Қирғизистондан Ўзбекистон Республикасида жойлашган олий таълим муассасаларига кўчириш мақсадида бир неча бор мурожаат қилганида, синов имтихонларидан ўта олмагани сабабли ўқишини кўчира олмагани, 2022 йилнинг январь ойида Н.Абдурахимов ўғлини ўқишини Қирғизистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасидаги тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларидан бирига кўчириб беришни ваъда қилиб, бунинг эвазига 2.500 АҚШ доллари беришни айтгани, унга ишониб 12.01.2022 йил



куни Наманган вилояти Чуст туманида жойлашган истироҳат боғининг олдида 2.500 АҚШ доллари бергани, Н.Абдурахимов 2.500 АҚШ долларини олганидан сўнг ҳозир Тошкент шаҳрига бориб, таниши билан кўришиб, ўғлининг ўқишини кўчириш масаласини ҳал қилиб, гаплашиб келишини айтгани, Н.Абдурахимов пулни олганида ўғлини фуқаролик паспорти ҳамда Қирғизистон Республикасида таълим олаётгани ҳақидаги ҳужжатлардан нусха бергани, шундан сўнг Н.Абдурахимовга бир неча марта ўғлини ўқишини кўчириш масаласида мурожаат қилганида, ҳал бўлаётгани, таниши билан гаплашганини айтиб келгани, орадан 3 ой ўтганидан сўнг Н.Абдурахимовдан яна бу ҳақда сўраганида, Н.Абдурахимов ҳал бўлаётгани, лекин берган пули етмаётгани яна 600 АҚШ доллари бериш кераклигини айтгани, шунда 2022 йил март ойида АТБ “Халқ банки” Янгиқўрғон филиали биносида унга 600 АҚШ доллари бергани, шу тариқа Н.Абдурахимов ундан ўғлини ўқишини Қирғизистон Республикасидан тиббиёт йўналишидаги Ўзбекистон Республикасининг исталган олий таълим муассасаларига кўчириб беришни ваъда қилиб, жами 3.100 АҚШ доллари олгани, бироқ ўқишини кўчириб бермасдан, яшириниб, пулларни қайтармасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келгани, шундан сўнг ўғли тегишли ҳужжатларни тайёрлаб, қонуний тартибда қайта синов имтиҳонларини топшириб, қўшимча контракт асосида ўқишини Қирғизистон Республикасидан Андижон давлат тиббиёт институтига кўчиргани, ҳозирда ўғли институтнинг 2-босқич талабаси бўлиб, ўқишини давом эттираётгани, ҳозирги кунга қадар Н.Абдурахимов ундан фирибгарлик қилиб олган 3.100 АҚШ долларини қайтармагани, шундан сўнг Н.Абдурахимовга нисбатан қонуний чора кўрилишини сўраб Департаментга мурожаат қилгани, Н.Абдурахимов ундан олган пулларидан 100 АҚШ долларини Департамент ходимлари ва холислар иштирокида бергани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ Х.Нурматовани суд мажлисидаги, гувоҳ А.Нурматовни кўрсатувларини тасдиқлаб, у билан деярли бир хил мазмунда берган кўрсатуви билан;

бундан ташқари, А.Нурматовнинг аризаси (ж.и 5 и.в), тақдим қилинган дискни қабул қилиш баённомаси ва унинг иловалари (ж.и 6-11 и.в), Н.Абдурахимов томонидан ихтиёрий тақдим қилинган пулни олиш баённомаси (ж.и 12-14 и.в), аризачи А.Нурматов ва судланувчи Н.Абдурахимовлар ўртасидаги телеграмм ижтимоий тармоғи орқали ёзишмалари ҳамда сўзлашувлари стенограммаси (ж.и 28-33 и.в), аризачи А.Нурматов ва судланувчи Н.Абдурахимовлар ўртасидаги юзлаштириш баённомаси (ж.и 60-62 и.в), олинган ашёвий далиллар ҳамда жиноят ишда тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар мажмуи билан исботланган деб топади.

Судланувчи Н.Абдурахимовнинг А.Нурматовни пора беришга далолат қилиб, уни 3.100 АҚШ доллари миқдоридagi пул маблағини фирибгарлик билан қўлга киритганликда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди ҳамда 28,211-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги



Қарори 7-бандида “Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади” деб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарорининг 15-бандида “Агар айбдор пора берувчидан мансабдор шахсга бериш учун деб пора тариқасида пул ёки бошқа бойликларни олганида ва бундай қилмишни хоҳламасдан, уларни ўзлаштириб юборганда, қилмиш фирибгарлик деб тавсифланиши лозим. Бойликларни қўлга киритиш мақсадида пора берувчи улар томонидан пора беришга оғдирилган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга қизиқтирувчи тариқасида қўшимча тавсифланиши керак. Пора берувчининг ҳаракати бундай ҳолларда пора беришга суиқасд деб тавсифланиши лозим бўлади. Бу ўринда пора берилиши мўлжалланган муайян мансабдор шахс айтилган-айтилмаганлигининг аҳамияти бўлмайди” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги Н.Абдурахимовни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.



Суд, юқоридаги Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54, 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, Н.Абдурахимовга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ғаразли мақсадларда жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, уни шахсини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, у айбли деб топилаётган 168-моддаси 2-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида озоликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида узил-кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарорининг 16-банди “Пора берувчиларни порада товламачилик ёки пора берганлик тўғрисида ихтиёрий ариза бериш асосларига кўра жиноий жавобгарликдан озод этиш бу шахсларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлигини билдирмайди (ЖКнинг 211, 212-моддаларига изох). Шу сабабли улар жабрланувчи деб топилмайди ва пора тариқасида берилган бойликларни қайтариб олишни талаб қилишга ҳақли эмаслар” деб, 17-бандида “Агар жабрланувчи пора талаб қилинганлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган бўлиб, тезкор тадбир давомида жабрланувчининг мулкидан пора предмети тариқасида фойдаланилган бўлса, ушбу мулк Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасининг 4-бандига асосан жабрланувчига қайтарилиши лозим, бошқа ҳолатларда пора предмети суд ҳукми билан давлат эғалигига ўтказилади” деб тушунтириш берилган.

Юқоридаги Пленум қарори талабидан келиб чиқиб, дастлабки тергов органи томонидан фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этилган А.Нурматовни фуқаровий даъвогар мақомидан гувоҳ мақомига ўтказишни, у томонидан судланувчи Н.Абдурахимовга пора тариқасида берилган, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Департаментнинг Наманган вилоят ҳудудий бўлими депозит ҳисоб рақамига топширилган 33.642.000 пул маблағини пора предмети деб эътироф этиб, давлат эғалигига ўтказишни;

- шунингдек Н.Абдурахимов томонидан пора сифатида олинган 3100 АҚШ доллари миқдоридаги 33.642.000 сўм пуллар Департаментнинг Наманган вилоят ҳудудий бўлими депозит ҳисоб рақамига топширилгани сабабли жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, ҳозирда “Агробанк” Чортоқ филиалида сақланаётган 100 АҚШ доллари пулларни Н.Абдурахимовни ўзига қайтаришни;

- ишга қўшилган бир дона “DVD” дискни жиноят ишига қўшиб сақлашни лозим деб топди.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Абдурахимов Нодирбек Махаммадович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «а» банди ва 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Абдурахимов Нодирбек Махаммадовичга;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «а» банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан 3 (уч) йил муддатга сутканинг соат 22-00дан соат 06-00гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида жазоларни қисман қўшиб узил-кесил ўташ учун 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга сутканинг соат 22-00дан соат 06-00гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Н.Абдурахимовга озодликни чеклаш жазосини Чортоқ тумани, “Тўпқайрағоч” МФЙ, Санъат кўчаси, 39-уйда ўташ белгилансин, жазони ўташ даврида қўйидаги тақиқ (чеклаш)лар ва мажбуриятлар ўрнатилсин:

Назорат қилувчи органининг руҳсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Наманган вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-муайян жойлар (ресторан, кафе, барлар)га бормаслик;

-алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати Н.Абдурахимов Чортоқ туман ИИБга ҳисобга қўйилган кундан ҳисоблаб, ўтаттирилсин.

Жазони ижро этиш Чортоқ туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Н.Абдурахимов жазони ўташ даврида ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 6-қисмида белгиланган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Абдурахимов Нодирбек Махаммадовичга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Департаментнинг Наманган вилоят ҳудудий бўлими депозит ҳисоб рақамига тўланган 33.642.000 сўм пул ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг давлат эғалигига ўтказилсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, “Агробанк” Чортоқ филиалида сақланаётган 100 АҚШ доллари пул маблағи ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланувчи Н.Абдурахимовга қайтарилсин.

Жиноят ишига қўшилган бир дона “DVD” диск жиноят ишига қўшиб сақлансин.



Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида Наманган вилоят судига шикоят беришлари ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

И.Жаббаров

Ҳужжат имзоланган: Жаббаров Иброҳим Султонмуратович, 27.06.2023

